

Оилавий Тарбияга Олинган Болаларнинг Оилага Мослашувида Тафаккурнинг Аҳамияти

Сирлиев Эркин Назарович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети “Ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш” кафедраси доценти

Аннотация: ушбу мақолада мактабгача давр ёшидаги оилавий тарбияга олинган болаларнинг оилага мослашувида муҳим аҳамият касб этувчи шахс тафаккурини такомиллаштирувчи психокоррекцион машғулотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: психокоррекция, психологик тренинг, инсайт, тафаккур, анализ, синтез, аналогия, умумлаштириш, мавҳумлаштириш, тафаккур мустақиллиги

Оилавий тарбияга олинган болалар фаолиятини такомиллаштириш, ота-оналар қаровисиз қолган болаларнинг ижтимоий-психологик реабилитациясини ва ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-меҳнат кўникмалари ҳосил қилишига ва жамиятга уйғунлашувига кўмаклашиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5215-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори тасдиқланган бўлиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади: оилавий тарбияга олинган болаларни тарбиялаш, камол топтириш ва қўллаб-қувватлаш; тарбияланувчиларни тўлиқ руҳий соғломлаштиришга, ижтимоий мослаштиришга ва жамиятга уйғунлаштиришга кўмаклашадиган, уларнинг сифатли таълим ва тарбия олиши, шунингдек уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш учун уй шароитига энг кўп даражада яқинлаштирилган муҳитни яратиш; тарбияланувчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш; тарбияланувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи, психологик ва жисмоний ривожланиши ҳимоя қилинишини таъминлаш. [1]

Ушбу Қорор вазифаларида ҳам оилавий тарбияга олинган болаларнинг психологик соғломлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий мослаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги психологлар мутахассислар ва ушбу оилавий тарбияга олинган тарбияланувчилар ўртасида кўприк вазифасини ўтади. Мамлакатимизда оилавий тарбияга олинган болаларларга кўрсатилаётган эътибор давлат сиёсати даражасида ҳал қилинаётганлиги бу ҳар бир шахсга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин далилидир. Чунки, баркамол авлод тарбияси ва унинг мукамал таълим олиш масалалари давлат сиёсати мақоми даражасида ҳал қилинаётганлиги – бу фикрнинг ёрқин исботидир.

Маълумки, оилавий тарбияга олинган болаларда мавжуд бўлган, ўзига паст баҳо бериш, ўзига ишонмаслик, хавотирланиш, ҳаяжонланиш ва бошқа кўпгина психологик омиллар, психология соҳасида олимлар томонидан ҳар томонлама ва турлича усуллар билан ўрганилганлиги ҳамда ўрганилаётганлиги ушбу мавзунинг долзарблиги таъминлайди.


Ўрганилганлик даражаси: Мактабгача давр оилавий тарбияга олинган болалар шахсининг шаклланишига кўра, бу даврни 3 босқичга ажратиш мумкин: биринчи давр 3-4 ёш оралиғида бўлиб, эмоционал жиҳатдан ўз-ўзини бошқаришнинг мустаҳкамланиши билан боғлиқдир;

иккинчи давр 4-5 ёшни ташкил қилиб, ахлоқий ўз-ўзини бошқара олиш билан боғлиқ; учинчи давр эса, шахсий ишчанлик хусусиятларини шаклланиши билан тавсифланади. [2]

Мактабгача давр ёшидаги даврда болаларда мулоқотнинг янги мотивлари юзага келади, бу шахсий ва ишбилармонлик мотивларидир. Шахсий мулоқот мотивлари – бу болани ташвишга солаётган ички муаммолар билан боғлиқ, ишбилармонлик мотиви эса, у ёки бу ишни бажариш билан боғлиқ бўлган мотивлардир. Ўз-ўзини англаши лаёқати катта боғча ёшида ривожланиб, аввал у қандай бўлгани ва келажакда қандай бўлишини фикрлаб кўришга ҳаракат қиладилар. [4]

Методика: Биз мактабгача ёшдаги боларнинг тафаккур операциясини ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳри Учпепа туманида жойлашган “Оилавий болалар уйи турар жой комплекси” уйида тарбияланаётган 4-5 ёшли 30 нафар синалувчиларда “Бу ерда нима ортиқча” методикасини ўтказдик.[3]

Ушбу методика 4-5 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган. Бу методика болаларнинг образли, сўз-мантқи тафаккур процессининг анализи, ақлий ва умумлаштириш операцияларини тадқиқ қилади. Методикада болаларга ҳар хил предметлар тасвирланган расмлар тавсия қилинади ва қуйидагича кўрсатма берилади: “Ҳар бир расмда тасвирланган 4 та предметдан бири ортиқча. Диққат билан расмга қараб, қайси бир предмет ортиқча ва нима учун ортиқча эканлигини тушунтириб бер”. Топшириқни бажариш учун 3 дақиқа вақт берилади. (1-расм)




1-расм.

Натижаларни баҳолаш: 10-балл – бола ўзига берилган топшириқни 1 дақиқадан кам вақтда бажариб, ҳар бир расмдаги ортиқча предметни нима учун ортиқча эканлигини шарҳлаб бера олса; 8-9 балл – бола топшириқни 1 дақиқадан 1,5 дақиқাগача тўғри бажара олса; 6-7 балл – бола топшириқни 1,5 дақиқадан 2 дақиқাগача тўғри бажара олса; 4-5 балл – бола топшириқни 2 дақиқадан 2,5 дақиқাগача тўғри бажара олса; 2-3 балл – бола топшириқни 2,5 дақиқадан 3 дақиқাগача тўғри бажара олса; 0-1 балл – бола 3 дақиқа мобайнида топшириқни тўғри бажара олмаса.

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса: 10 балл - жуда юқори; 8-9 балл – юқори; 4-7 балл – ўртача; 2-3 балл – паст; 0-1 балл – жуда паст

Эмпирик таҳлил: Тажриба аввалида методикадан олинган натижалар қуйидагича кўринишда чиқди. (2-расм)



2-расм

Синалувчилардан нафари энг баланд бални яъни, умумий 50 балл, ўртача 17% ни ташкил қилди. Ушбу синалувчилар тафаккур операциялари жараёни ўз ёшига мос яхши ривожланган.

Синалувчиларнинг 6 нафари умумий 42 бални йиғиб, ўртача 20% ни ташкил қилди. Ушбу синалувчиларда ҳам нарса ва ҳодисаларни анализ ва синтез қилиш ҳамда умумлаштириш жараёни яхши ривожланган.

Синалувчиларнинг 6 нафари умумий 32 бални йиғиб, ўртача 20 % ни ташкил қилди. Ушбу синалувчиларнинг тафаккури ўртача шкалада бўлиб, ташқи таъсирлар бўлгандагина жавоб реакциясини қайтаради аммо уларнинг анализ синтез жараёни нарса ва предметлар ўртасидаги боғлиқликни топишда қийналишади.

Синалувчиларнинг 6 нафари умумий 16 бални йиғиб, ўртача 20% ни ташкил қилди. Ушбу синалувчилар ўз тенгдошларига нисбатан тафаккур операциялари анча даража паст.

Синалувчиларнинг қолган 7 нафари энг паст баллни 5 бални йиғиб, 23% ташкил қилди. Ушбу синалувчиларнинг руҳий тараққиёти ёш даврларига нисбатан жуда паст кўринишда ривожланган.

Биз ўз тадқиқотимизда ушбу натижаларни ривожлантиришга қаратилган психотренинг ва психокоррекциялаш амалиётини белгиланган режа асосида олиб бордик.

Коррекциянинг бу принциплари тафаккур операцияларида камчиликлар мавжуд бола билан олиб бориладиган тузатиш ишларида ёрдам беради: бу ҳолатга олиб келган сабаблар аниқланади; болада ота-онаси, ўртоқлари билан мулоқотга эҳтиёж уйғотиш; болани оила, мактаб ва ўртоқлари билан мулоқотда бўлишини таъминлаш; болани мулоқатчанликка ўргатиш. [2]

Қўғирчоқ терапияси қандай ёрдам беради?

Бу метод болани мультфильм ёки эртақнинг ботир қаҳрамони идентификацияси жараёнига асосланган. Агар боланинг ёқтирган персонажи бўлса, бундан фойдаланиш мумкин ва унга уларнинг номидан бу персонаж қандай қилиб болани қўрқитадиган объекти билан боғлиқ бўлган қўрқинчли воқеага тушиб қолган ва шу воқеа билан қандай қилиб чиқишиб кетиш ҳақида гапириб бериш керак. Агар боланинг ёқтирган қўғирчоғи бўлса, бу қўғирчоқдан катта бўлмаган спектакль постановкасидан фойдаланиш мумкин, муҳим томони шундаки, бола иштирок этаётган персонажда ўз қўғирчоғини ва “қўрқинчли” маҳлуқни топсин.

Бу метод бола ёқтирган қаҳрамон билан эртақни эшитаётганда ёки мультфильм кўраётганда мувофиқлашиб кетаётганда асос бўлган. “Қўрқинчли воқеани” гапириб бераётганда ёки намоиш қилаётганда болани табиий кечинмаларини тўхтатиб, уни доим юпатиб туриш керак эмас. Шунга эришиш керакки, эртақ болани камраб олсин ва у асосий қаҳрамонга раҳми келсин. Сюжетни ёритиб боришда боланинг эмоционал диққати ўсиб бориши керак (бу учун сюжетни охирида муаммоларнинг ечими билан “бўрттириб” қўйиш керак) юқори нуктага етгач, қаттиқ эмоционал реакциялар (йиғлаш, кулгу ва бошқалар) билан алмаштириб зўриқишни камайтириш керак. “Спектакль” тугагандан сўнг, бола анча энгиллик ҳис қилади ва ниҳоят қўрқувдан қутилади. Шундай қилиб, бу ерда асосий мақсад бола доим ҳис қилиб юрадиган зўриқишни кучайтиришдан иборат, шу даражагачаки у янги фаза - бўшашишгача ўтсин.

Психологик тренинг – психотерапиянинг мураккаб ҳамда энг самарали методларидан бири бўлиб, унинг мақсадга мувофиқ ўтиши гуруҳ аъзоларининг истақлари шу муаммоларни тан олишни, ниманидир ўзлаштиришга интилишига боғлиқ бўлади. Психологик тренинг муваффақиятли ўтиши тренергагина эмас, балки барча гуруҳ аъзоларининг ҳамкорликдаги фаол ҳаракатларини талаб этади.

Гуруҳда ташкил этилган мулоқат муҳитида одам ўзидаги ишончсизлик, тортинчоқлик каби салбий шароитлардан халос бўлиш имкониятига эга ва у ўзини аввалгига нисбатан ижобийроқ идрок қила бошлайди. Бу ўз ўрнида мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккури билан боғлиқ.

“Сиам эгизаклари” машқи

Мақсади: ҳамкорликда фаолият юритиш учун зарур кўникмаларни ривожлантириб, тортинчоқликни бартараф этишга ёрдам беради.

Икки иштирокчи бир-бирининг белидан ушлаб, бир-бирига яқин бўлган оёқларини ўзаро жуфтлаб турадилар. Бошловчи турли топшириқлар беради. Масалан: латгани олиб доскани артиш ёки столдаги бирор нарсани кимгадир узатиб юбориш. “Сиам эгизаклари” топшириқни бажарадилар. Унинг сўнгида муҳокама ўтказиш, машқда нима қийин бўлгани, топшириқларни бажаришда қандай ҳиссиётлар уйғонганини сўраш, тавсия этилади.

Синалувчиларда белгиланган режа асосида психокоррекция ва психотренинг машғулоти олиб борилгандан сўнг, уларда мулоқотнинг ривожланиши, тортинчоқлик ҳиссининг йўқолиши, ўзига ишонч пайдо бўлиши, ўзгалар билан муносабатга киришишида қийинчиликларни бартараф этиш каби ҳислатларнинг такомиллашишини кўришимиз мумкин. (3-расм)



3-расм

Тажриба якунида олинган натижалар таҳлилини 3-расмда кўришимиз мумкин: 7 нафар синалувчи умумий 70 бални йиғиб, ўртача 23% ни ташкил қилди; 8 нафар синалувчи умумий 64 бални йиғиб, 27% ни ташкил қилди; 9 нафар иштирокчи умумий 54 бални йиғиб, 30% ни ташкил қилди; 4 нафар синалувчи умумий 10 бални йиғиб, ўртача 13% ни ташкил қилди; 2 нафар иштирокчи умумий 2 бални йиғиб, ўртача 7% ни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики, тажриба аввалида олинган натижа билан тажриба якунида олинган натижалар ўртасидаги фарқ мавжуд. Тадқиқот давомида олиб борилган психокоррекция ва психотренинг машғулоти мактабгача ёшдаги оилавий тарбияга олинган болаларнинг тафаккур операцияларининг ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Бу ўз ўрнида оилавий тарбияга олинган болаларнинг ижтимоийлашувида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса: Мактабгача ёшдаги оилавий тарбияга олинган болаларнинг ижтимоийлашув жадаллигини уларнинг тафаккур операцияларини ривожлантириш орқали ҳам эришиши мумкин.

Тавсиялар: Таҳлил ва натижалардан келиб чиқиб мактабгача ёшдаги оилавий тарбияга олинган болаларнинг анализ, синтез ва умумлаштириш операциялари ривожланишига сабаб бўладиган қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур;
- мактабгача таълим соҳаси узлуксиз тизимнинг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади;

- психокорреция ҳамда ижтимоий психологик тренинг машғулотилари ёрдамида уларда мулоқотнинг ривожланиши, тортинчоқлик ҳиссининг йўқолиши, тафаккур операцияларининг такомиллашиши, ўзига ишонч пайдо бўлиши, ўзгалар билан муносабатга киришишида қийинчиликларни бартараф этиш каби ҳислатларни такомиллаштириш зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 ноябрдаги 739-сонли “Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
3. Дўстмухамедова Ш.А, Нишанова З.Т, Эргашев П.С, Рахимова И.Ғ. Тортинчоқлик: ҳаётий саволларга илмий-амалий жавоблар.: Тошкет. – 2013.-3б.
4. Ҳайдаров Ф.И., Алимходжаева С.Н. Психологик ташхис методикалари мажмуаси.: – 2008.- 10-11б.
5. Ғозиев Э.Г. Тараққиёт психологияси. - Т.: “Университет”, 1999. - 48 б